

**ПАРРАНДАЧИЛИККА
ИХТИСОСЛАШГАН ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЯНГИ ВА
ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ЖОРИЙ ЭТИШ.**

- Паррандачилик-бу етти хазинани биридир деб таъкидлаб ўтганлар аجدодларимиз. Шу боис паррандачилик-чорвачиликни тез ривожланадиган юқори маҳсулдор соҳаси ҳисобланган ҳолда, қисқа муддат ичида саноат асосида ривожлантириш мумкин. Паррандачилик орқали халқ хўжалигига қимматли маҳсулотлар, яъни тухум, пархез гўшт етиштириб берилади



Бу ўринда паррандачиликка ихтисослашишни қатор афзаллик омилларини санаб ўтиш мумкин. Хусусан:

- тухум қимматли таом ҳисобланади;
- парранда гўшти инсон организмига тез сингади, тезда қувватга киритади;
- парранда турли-туманлиги сабабли инсонларга завқ беради;
- парранда тез ўсади, қисқа муддатда истеъмолга яроқли бўлади;
- парранда кўп тухум қўяди ва тез кўпаяди;
- парранда махсулотига талаб доимо юқори бўлади;
- парранда оз озуқа талаб қилади;
- энг кам таъминланган оилада ҳам парранда боқиш учун имконият мавжуд;
- парранда ҳар қандай шароитга тез мослашади;
- парранда озгина майдончага ҳам сиғади;
- паррандани озик қолдиқлари, чиқитлар билан боқиш мумкин;
- парранда турли ҳашоратлар қурт-қумурсқаларни, чувалчангларни ҳам қиради;
- паррандани бир неча бошдан бир неча минтагача ҳам боқиш мумкин;
- уни шимолда ҳам, жанубда ҳам боқиш мумкин;
- ҳар бир фермер ҳам наслчилик билан шуғулланиб ўзи янги зот яратишимкониятига эга.

Паррандаларга бериладиган озуқаларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) ўсимлик озуқалари,
- 2) Хайвонот озуқалари
- 3) Минерал озуқалар.



- Жўжа боқиш масаласи илмий жихатдан асослаб берилган эмас, балки кўпроқ амалий тажрибага суяниб иш кўрилади. Жўжаларни табиий ва сунъий очиришдан қатъий назар бир хил усулда озиклантирилади. Француз фермерларини жўжа боқиш усули ва тартибини кўриб чиқиладиган бўлиб, жўжага 1-кунида - сув ва озуқа берилмайди. 2-кунида - қаттиқ нон увоқлари, қайнатилган тухумни арчиб уқалаб берилади. Ичиш учун сутли сув ёки илиқ сут берилади. 3-кунида макка уни ва арпа уни ҳамда қаттиқ нонни сутга ивитиб хамир холида берилади. 4-кунидан 8-кунигача қайнатилган тухумни пўчоғи билан уқалаб, майдаланган кўкат, пиёз билан аралаштириб жўжа чўқиб ейишга мослаштириб бериш зарур.

Паррандаларни озуқалантириш технологияларига қуйидагиларини киритиш мумкин:

- бериладиган озуқалар доимо тоза бўлиши. Сасиган, чириган, моғорлаган озуқани бермаслик;
- доимо турли хил озуқа берилиши;
- қишда 2 марта, бошқа вақтларда 3 марта озуқалантириш;
- эрталаб ва кечқурун донли озуқа, пешинда аралашма бериш;
- қишда сабзи, ёзда кўкат бериш;
- ҳар куни оз-оздан минерал озуқалар (суяк уни, кўмир, охак, қум, шағал, мель, кул) берилиши;
- озуқа ўта иссиқ ёки ўта совуқ бўлмаслиги;
- қишда озуқа билан бирга илиқ сув берилиши;
- сув доимо темир купороси билан 1 литрга 1 грамм солиб берилиши;
- ўрдак, ғозларга озуқалари аралашма холида берилиши;
- товуқхона, ем охурлари, сув донлари доимо тоза бўлиши;
- товуқхона, ем охурларини 10%ли охак билан 15 кунда дизенфекциялаб туриш;
- доимо ва бир вақтда озуқа беришга мослашиш ҳамда озуқалантириш оралиғи доимо тенг бўлиши.

- Паррандаларни семиртиришда уларни ёши катта аҳамиятга эгадир. Ёш паррандалар гўшти, юмшоқ ширали бўлганлиги сабабли, жўжалигидан яхши боқишни йўлга қўйиш фойдали ҳисобланади. Хўроз ва товуқларни 5-6 ойлигидан, куркаларни эса 6-7 ойлигидан бошлаб, ғоз ва ўрдакларни кузда тўла партланиб бўлгач жўжа партлари бўлиб доимий партлар чиққач боқувга қўйилади. Ёшлигидан ёмон боқилган, ўсишдан қолган паррандалар семиртириш учун яроқсиз ҳисобланади. Семиртиришда товуқ билан хўрозни ёнма-ён қўйиб бўлмайди. Безовталаниш натижасида тез семирмайди.

Паррадаларни семиртиришни 3 хил усули мавжуд:

- парранда ўзи еб семириши (самоклевл);
- паррандани “мажбурлаб” едириш (насильственный откорм);
- аралаш, яъни, ўз хохиши билан ейиши ва мажбурлаб едириш.

- Қиш мавсумида товуқлар парваришига алоҳида эътибор лозим. Хўш, бу фаслда нималарга аҳамият бериш зарур? Аввало, товуқхонада ҳаво ҳарорати +12 даражадан пасаймаслиги асосий шарт ҳисобланади. Кейинги навбатда бир кеча-кундуздаги ёруғлик давомийлиги 16 соатдан кам бўлмаслиги, хона ҳавоси алмашилиб туришини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, товуқлар учун тўсилган айланиш майдони ҳар бош паррандага 1 метр квадрат бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Агар ташқаридаги ҳаво ҳарорати 7 даражадан пасайса, товуқларни сайр қилиш (айланиш) майдонидан иссиқ хоналарга киритиш зарур.

- Хонадонларда боқиладиган товуқлар кўпинча тухумини уясига эмас, пана-пастқам жойларга қўяди. Бунинг сабаби нимада? Чунки ёш товуқлар биринчи тухум қўйишдан олдин, кучли гормонал стрессга тушади ва безовталанади. Бу пайтда улар ўзини у ёқдан бу ёққа уради, вақти-вақти билан учишга ҳаракат қилади. Бу тухум қўйиш учун қулай жой қидираётганлигини билдиради. Уй эгаси ана шу вақтда товуққа эътибор қаратмаса, кейинчалик тухум қўйган жойини доимо излаб юради. Оқибатда ҳар сафар ҳам тухумларни керакли миқдорда териб олиш имкони бўлмайди. Товуқларда тухум қўйиш жараёнининг бузилиши тез-тез учраб туради.